

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI  
SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI

Ro'yxatga olindi:  
№ MD-5A 120401  
" " " 201\_yil



«O'ZBEK XALQINING ETNOGENEZI VA ETNIK TARIXI»

FANINING

O'QUV DASTURI

Bilim sohasi: 100 000 -Gumanitar fanlar va san'at  
Ta'lim sohasi: 120 000 -Gumanitar fanlar  
Ta'lim yo'nalishi: 5A 120401 Arxeologiya

SAMARQAND – 2019

Fan dasturi samarqand davlat universiteti Tarix fakulteti kengashida ko'rib chiqilgan va tavsiya qilingan (2019 yil "03" 07 dagi "10" -sonli bayonnoma).

Fakultet dekani:



dots.D.M.Djurakulova

Fan dasturi samarqand davlat universitetida ishlab chiqildi.

**Tuzuvchilar:**

Xolmatov N.U. - SamDU Tarix fakulteti, Arxeologiya kafedrasida dotsenti.

**Taqrizchilar:**

Djurakulov M.Dj. - SamDU Arxeologiya kafedrasining professori  
Ergashev O.T. - SamDU Arxeologiya kafedrasining dotsenti.

Fanning dasturi Samarqand davlat universiteti o'quv-uslubiy kengashining 2019 yil "03" 04 dagi "10"-son majlis bayoni bilan ma'qullangan.

O'quv uslubiy kengash raisi:

prof.A.S.Soleyev

## **Кириш**

Ушбу дастур этногенез этник тарихини ўрганишнинг бошланғич босқичи, халқларнинг ассимиляцияси ва бўлиниши, ибтидоий жамоа тизими даври халқлари этник тарихи, ўрта асрлар этногенетик жараёнлари, янги давр халқлари этник тарихи, маданий жараёнлар даври қабилалар ва халқлар роли, халқлар консолидацияси ва миграцияси, этник маданият ва тарихни ўрганишда яхлит ёндашув, Марказий Осиё ҳудудида этногенетик жараёнлар, Турк халқлари этник тарихи, замонавий даврда этногенетик жараёнлар, ўзбекларнинг этник тарихи асосий босқичлари ва замонавий этнологияси, ўзбек халқининг этник жамоа сифатида шаклланиши, ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишнинг шакл ва усуллари; замонавий Ўзбекистон ҳудудида этник тарих; ҳозирги ўзбек халқи этнологияси каби масалаларни моҳияти ва аҳамияти очиб берилади. Ҳамда, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатиб ўтилган талаба-ёшларнинг тарихий дунёқарашини бойитиш, уларда мустақил фикрни қарор топтириш, тарихни мукамал даражада билиш, инсоният цивилизациясининг ютуқларидан ва тажрибасидан тўла баҳраманд бўлиш, умуминсоний кадриятларни англаб етишга кўмаклашиш ва дунё миқёсида мавжуд бўлган муаммоларнинг тарихий илдизларини излаб топиш каби долзарб масалаларни ўрганади.

Шунингдек, “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” фани ҳақидаги билимларни қарор топшириш мавжуд илмий адбиётлар ва замонавий назариялар ҳамда олиб борилаётган тадқиқот ишларини ўрганиш, фан бўйича тўпланган илғор тажрибалар, кадрлар буюртмачиларининг фикр, талаб ва таклифлари каби масалаларни ўз ичига қамраб олади.

### **Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари.**

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи фани ва унинг вазифалари, ўзбек халқи этнологиясининг тадқиқот усулublари, этногенези ва этник тарихи муаммолари, анъанавий хўжалиги ва ижтимоий муносабатлар ва оилавий – маиший турмуш, моддий ва маънавий маданиятига оид билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси - талабаларга ўзбек халқи этнологиясининг долзарб муаммолари ва анъанавий хўжалик фаолиятлари, моддий ва маънавий маданиятини ўргатишдан иборат.

### **Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

“Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи курсининг мақсад ва вазифалари, тадқиқот услублари ва этнографик материаллардан фойдаланишни билиши керак;

Талаба тарихий маълумотларни илмийлик, тарихийлик, холислик асосида ўрганиш. Этнологик манбаларни мустақил тадқиқ қилиш, ўрганиш кўникмаларига эга бўлиши керак

**Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

“Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи” фани умумқасбий фан ҳисобланиб, 3-4 семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш, ўқув режасида режалаштирилган Ўзбекистон тарихи, Этнология, Археология, Фалсафа, Социология фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

#### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қароридан Ўзбек халқи ва унинг давлатчилигини тарихини ҳолисона ўрганишнинг илмий асосларини шакллантириш, тадқиқотларни замонавий талаблар даражасига кўтариш, давлатчилиги ҳаққоний тарихини тарихий манбалар асосида ўрганиш вазифаси белгиланган. Этнологик маълумотлар шундай манбалардан ҳисобланади.. Уларни тадқиқ этиш, ўрганиш орқали кўплаб маълумотларни қўлга киртишимиз мумкин.

#### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор усулларидадан фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда джарслик, ўқув ва услубий кўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар, жадваллардан фойдаланилади.

Дастурда берилган мавзулар маъруза, семинар шаклида олиб борилади. Шунингдек, фаннинг долзарб масалалари мустақил иш сифатида талабаларга ўзлаштириш учун берилади. Фан замонавий педагогик технологиянинг “Бумеранг”, “ақлий ҳужум” сингари услублари орқали дарслар олиб борилади.

### **Асосий қисм**

#### **Фаннинг назарий машғулоти мазмуни**

#### **Кириш. Фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари. Этник тарихга оид айрим атама ва тушунчалар**

Ўзбек халқининг келиб чиқиши ва шаклланиши жараёнида «етнос», «етник бирлик», «елат», «қабилла», «халқ», «миллат» каби атамалар, тушунчаларнинг ўрни ва аҳамияти. Уларнинг жамият тараққиёти босқичлари билан боғлиқлиги. «Етнос» ғоясининг муҳим жиҳатлари. Ҳудудий тил бирлиги, этник, иқтисодий ва маданий алоқадорлик масалалари.

#### **Ўрта Осиё халқлари тарихини янгича даврлаштириш масалалари**

Сўнгги йилларда «етнос» ғоясига оид яратилган махсус илмий асарлар хусусида. Атоқли ўзбек олими акад. К. Шониевнинг “Ўзбекларнинг шаклланиш жараёни”, «Қанғ давлати», «Қарлуқ ва қарлуқлар давлати» монографиялари қатор илмий мақолалар асосида ушбу илмий-назарий муаммоларини ёритишга алоҳида эътибор қаратилгани. Ўзбек этноси шаклланишида муҳим омиллар ҳақида фикрлар. Академик А. Асқаровнинг «Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи», «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» монографиялари ва илмий мақолалар асосида ушбу илмий-назарий муаммоларини ёритилиши.

## **Ўзбек этносининг шаклланиш жараёнлари ҳақида фандаги мавжуд концепциялар ва қарашлар.**

Ўзбек этногенези ва этник тарихи Ўзбекистон халқлари тарихининг таркибий қисмини ташкил этади. Халқ тарихининг манбалари – моддий маданият – археология ёдгорликлари, этнография, тилшунослик, антропология, нумизматика, топономика, тарихий география ва ёзма манбалар бўлиб, улардан олинган илмий маълумотлар асосида халқ тарихи яратилади. Масалага комплекс ёндошув асосида тадқиқотлар олиб бориш лозим бўлади, шундай концепсиялар XX аср 40- йиллари арафасида ишлаб чиқилиб “миллий автоханизм концепсияси” деб ном олди. Бу назариянинг асосини “Ўрта Осиёнинг ҳар бир халқи ҳозирда яшаб турган худудлари билан азалдан боғлиқдир”, деган ғоя ташкил этади. Ўзбек халқининг илк аجدодлари икки хил тил – туркий ва эроний тиллар туркумидаги қабила ва элатлар бўлган. Ўрта Осиё халқлари шаклланишида эрли тубжой халқлар ва теварак трофдан кўчиб келган халқлар акс этган.

## **Ўрта Осиё қадимги дунёсининг минтақавий ривожланиши ва маданий-хўжалик марказларининг ташкил топиши.**

Ўрта Осиёнинг минтақавий ривожланиши неолит давридан бошланади. Унинг асосида жамоаларнинг ишлаб- чиқариш хўжалигига ўтиш ётади. Бу жараёндан далолат берувчи дастлабки объект Жойитун ёдгорлиги бўлди - Қадимги Шарк сивилизацияси таъсирида илк деҳқончилик маданияти шаклланди. Лекин, Ўрта Осиёнинг шимолий сарҳадларида бу даврда ҳали жамоалар овчилик ва балиқчилик билан кун кечирар эди.

## **Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси ёзма моддий манбаларда акс этиши**

Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолисини Авесто ва Аҳамоний подшоларининг китобларида акс этиши, Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси ҳақида Юнон-рим муаллифлари асарларида акс этиши.

Ўрта Осиёнинг қадимги тарихи ҳақида Хитой манбалари.

Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳақида маҳаллий ёзма манбалари.

Ўзбек халқи этника асосининг бронза даврида қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари (Саразм ёдгорлиги, Сополлимаданияти ёдгорликлари ва ҳ.к.лар).

## **Ўрта Осиёнинг қадимги тубжой аҳолиси ва унинг “Авесто” ва Аҳамоний подшоларининг қоя тош битикларида акс этиши.**

Ўрта Осиё халқлари қадимги тарихи тўғрисида илк маълумот берувчи дастлабки манба “Авесто” бўлиб, унинг “ Видевдат” китобида бутўғрисида маълумотлар мавжуд. Форсларнинг аждодлари орийлар дастлаб қадда “Еламту” га (тоғлимамаклат) жойлашганлар. Вақт ўтиши билан эламту Персуаде баталган.

Мил. авв В И И И аср охири В И И аср бошларида Ахамең ўз сулоласига асос солган.

Бу сулола вакиллари кўплаб ёзув намуналарини қолдиришганлар.

Беҳустун қоя тош битиги форс, элам, аккад тилларида ёзилган. Персепол шаҳрида Доро 1 ва Керксаройига олиб борадиган тошпилла поя деворлари га эронаҳомоний лари га тобемамаклатлардан ҳирож олиб келган вакиллар суратлари бўртма услубда ишланган.

## **Юнон-Рим манбаларида қадимги Ўрта Осиё халқлари тўғрисида маълумотлар.**

Манбалар кўрсатишича қадимги унонлар тарихи Пониянинг милет шаҳрида шаклланган. Бутарих мактабининг вакили мил. авв. В. Иаср даяшаган Гекатей ўзининг “Еркурраситавсиф” асарида хорасмийлар ҳақида маълумот беради. Шунингдек, Афинея, Степанлар ҳам хорасмийлар тўғрисида хабарлар қолдиришганлар. Квинт Курсий Руф (мил. аввалги Иасрохири ва милотдий Иаср ўрталари) “Македониялик Искандар тарихи” асарида Қадимги Бактриянинг гранг-баранг табиати ва Искандарнинг ҳарбий юришлари ҳақида маълумот беради.

### **Ўрта Осиё қадимги халқлари тарихининг Хитой манбаларида акс этиши.**

Туркистон тарихининг қадимги даврлари, унинг халқи ва ҳўжалиги, турмуш-тарзи ва урф – одатлари ҳақида, айниқса Қанғ давлати ва Қадимги Фарғона, Давон ҳақида Хитой ёзма манбалари қимматли маълумотлар беради. Сима-Сзяннинг (мил. авв. ИИ-Иаср) “Тарихий хотиралар” Бан Гуннинг (мил. авв. II аср) “Биринчи Хан сулоласининг тарихи” асарлари муҳимдир. Қанғ давлатининг ҳудуди, ҳарбий қудрати тўғрисида Си ма Сзян, Бан гулар маълумот беради. Қовунчи маданиятига оид Қанғлар ҳўжалиги, маданияти яхши ўрганилган.

**Ўрта Осиё қадимги халқлари тарихининг маҳаллий ёзма манбаларда акс этиши**  
Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳақида маҳаллий ёзма манбалар бахтарий, сўғдий, қадимги Туркий, “Номаълум ёзув” деб аталувчи ёзувлар ҳисобланади. Бу ёзув намуналари – Ески Нисадан топилган подшо архиви, Тупроқ қалъадан Хоразм подшоларининг архиви, Муғқалъадан топилган сўнгги ёзувлар, Бактриядан топилган ибодатхона ҳужжатлари ҳисобланади. Шунингдек, Қадимги Дунхуандан топилган Самарқандликларига тегишли оилавий хатлар, Афросиёбдан топилган савдо қарз тилхати, элчиллик номалари, тангалардаги ёзувлар намуналари ҳам бор.

### **Ўзбек халқи этник асосининг бронза даври қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари**

Бронза даврига келиб (мил. авв. II мингинчи йил) туб ижтимоий иқтисодий ва маданий ўзгаришлар рўй берди. Қалтаминор маданияти сўнггида Орол бўйида энеолит (Саксовул) даври жамоалари чорвачилик билан шуғуллана бошлади. Анов маданиятининг Номозгоҳ – 5 босқичида илк шаҳарлар қад кўтара бошлади. Шарқ сивилизасияси Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқи томон кенгая боради. Мурғоб (Гонурдепа), Бактрияда (Сополли маданияти) Сополлитепа, Жарқўтон шаҳарсозлик маданиятининг янги ўчоқлари таркиб таркиб топади. Туронзаминнинг бошқа минтақаларида кечаги “овчи” қабилалари “Авесто”да турлар деб зикр этилган чорвадор аҳолига айланди.

### **Ўзбек халқи этник асосининг сўнгги бронза ва илк темир даври этник жараёнлари**

Ўзбек халқи этник асосининг сўнгги бронза ва илк темир даври қадимги деҳқончилик маданияти ёдгорликлари (Қадимги Фарғона, Бактрия, Сўғдиёна, Хоразм ва ҳ.ко.лар). Ўзбек халқи этник асосининг чорвадор қабилалари маданияти ёдгорликлари (Қадимги Фарғона, Шимолий Бактрия, Қадимги Хоразм, Зарафшон водийси ва ҳ.ко.лар)

### **Ўзбек халқи этник асосининг чорвадор қабилалари маданияти**

Хоразм тарихининг массагетларгача бўлган даврида бу заминда Сувёрғон ва Тозабогёб маданиятлари асосидаги қовунди қабилалари яшаган (мил.авв ИИ мингинчи йилликнинг охиригача чораги зироатчилик билан шуғулланган қабилалар Амиробод маданияти, чорвачилик билан шуғулланган қабилалар Қуйисом маданияти деб юритилади. Зироатчилар турмушида деҳқончилик энди пайдо бўлиб, Номозгоҳ ва Сополли маданияти аҳолиси аллақачон шаҳарсозлик, илк давлатчиликни бошдан кечириётган эди.

### **Туркий қабилаларнинг илк ватани ва орийлар муаммоси**

Собиқ совет даври фанида туркий халқларнинг Ватани - Олтой, турклар шу ўлкаларда таркиб топиб сўнг бошқа юртларга тарқалган деган тасаввур шаклланди. Бунга Олтой ўлкасида Турк хоконлигининг ташкил топиши, 18-19 асрларда Олтойда этнолингвистик тадқиқотлар олиб борилиб уларнинг натижалари исбот бўлган. “Авесто”га кўра улар ижтимоий ҳаётда жамоанинг эркин, озод, жанговор мулкдорлар табақаси бўлиб, мана шу табақа ўз уруғ-аймоқларидан фарқли ўлароқ “Авесто”да “озодлар” яъни “Орийлар” деб юритилган. Орийлар Ватани “Арриана Вайчаҳ” деб аталган. Кўчманчи чорвадор қабилалар ичидан чакқон чавондоз, суворий орийлар таркиб топиб улар ўзларини озод ва эркин сезарди.

### **Антик даврида Ўрта Осиёда этногенетик жараёнлар**

Ўрта Осиё антик давр этномаданий ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар. Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари қадимги ёзма манбаларда ва уларнинг қисқача талқини. Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари археологик манбаларда ва Қовунчи маданияти. Сирдарё ҳавзаларини ўзлаштирилиши ва Қовунчи маданиятининг тарихий илдизлари. Қовунчи маданиятининг этник асоси ва унинг таркибида туркий этник компонентларнинг ортиб бориши. Қовунчи маданиятининг ижтимоий-иқтисодий асослари ва унга хос дастлабки этник омилларнинг шаклланиши. Сўнгги антик ва илк ўрта асрларда Қовунчи маданияти таъсир доирасининг кенгайиб бориши ва ўзбек этногенезининг жадал кечиши.

### **Ўзбек халқи антропологик типининг дастлаб таркиб топган макон ва унинг тарқалиш географияси**

Ҳозирги кунда Ўрта Осиёда яшаб турган маҳаллий аҳолининг тадқиқотларда антропологик типлари аниқланган. Улар асосан 3 та типни ташкил этади.

Қозок, Қирғиз ва Қароқолпоқлар - “Жанубий Сибир” типига киради. Тоғли, Тожиқлари, Туркманлар “Закаспий” типининг вақллари. Ўзбеклар ва воҳа тожиқлари – “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи” типига киради. Жанубий Сибир типини Мўғулбашара ирққа мансуб, бошчаноғи брахикефал ( думалоқ). Закаспий типини европоид типга мансуб, долихокефал (узунчоқ ). Бу тип маҳаллий аҳолининг энг қадимги Шарқий Ўрта эр денгизи типини билан туркий европоид типлари қоришуvidан ташкил топган.

“Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типини” асосан европоид ирқининг вариантларидан бирини ташкил этади. Унинг таркиби маҳаллий туб жой аҳолининг Шарқий Ўрта эр денгизи типига қарашли протоевропоид типини билан қоришуvidан таркиб топган. Бошчаноғи брахикефал ( думалоқрок ), жуссаси ўртача

### **Илк ўрта асрлар даврида Ўрта Осиёда этногенетик жараёнлар**

Турк ҳоконлигининг ташкил топиш арафасида Марказий Осиёдаги этносиёсий ҳолати ҳақида. Қадимги турклар. Суғдийлар. Хионийлар. Тохарлар. Эфталитлар Ғарбий Турк ҳоконлиги ва унинг ўзбек халқи этногенезида тутган ўрни. Ўрта Осиё илк ўрта асрлар даврининг асосий хусусиятларини шаклланишида қадимги турклар ва араблар сиёсати. Илк ўрта асрларда Ўрта Осиёдаги этнослар ҳақидаги маълумотлар. Ўрта Осиёда яшаган халқлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар Хитой тарихчиларининг асарлари “Шимолий хонадонлар тарихи” Бейшида (550-577); “Суй сулоласи тарихи” – Суйшуда (581 – 618); “Тан сулоласи тарихи” – Таншуда (618 – 917)ларда учраши. Ўлкамиздаги Ши (Тошкент), Ан, Анси (Бухоро), Бохо, Бохан (Давон), Шы ёки Ши (Хоразм), Кеш (Шаҳрисабз) вилоятларини номларини хитой йилномаларида қайд этилиши. Турк атамасининг этимологияси. Афсоналар ва манбалар. Турк ҳоконлиги таркибидаги уруғ-қабилалар. Дастлабки туркий ёзувнинг тарқалиши ва унга оид манбаларни, “Урхун-Енасой”, “Иссиқ”, “Билга ҳокон” битиклари. Сибирнинг жанубидаги, Олтойдаги туркий тилдаги қабртош битиклари: Қултегин, Тўнюқук, элтариш, унинг рафикаси элбилга хотун, Могилан, Қули Чур, Мойи Чурларга қўйилган тошлардаги битиклар. Уларда: ўғуз, уч ўғуз, саккиз ўғуз, тўккиз ўғуз, ўн – ўғуз, қанғар, қорлук, қипчоқ, қирғиз, аз, теле, кидан дулу, туркеш, тури ва ҳ.к. Этнонимлар ҳақида

### **ИХ-ХИИИ аср бошларида Ўрта Осиё аҳолисининг этник ҳолати, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ривожланиши**

Ўрта асрлар даврининг биринчи босқичида (Сомонийлар, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар даврида) ўзбек элати халқ сифатида узил-кесил шаклланаши.

Қарлук – қорахонийлар даври ўзбеклар этник тарихининг асосий босқичи сифатида. ИХ – Х асрларда қарлуқлар иттифоқига: чигил, халаж, лабан ва бошқаларнинг қирганлиги. “Худуд ал - олам”даги маълумотлар. Эттисувда қарлуқлардан аввал яшаган нушиби, арғу, тухси, туркеш, сарик ва ҳ.к. қабилалар ҳақида. Яғмолар, чигиллар ҳақида М.Қошғарий, В.В.Радлов, Н.А.Баскаковлар билдирган фикрлар. Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида ХИ – ХИИ асрлардаги этник жараёнлар. Қорақиданлар (қорахитойлар) ҳужумлари. ўлкага келиб жойлашган қарлук, чигил, халачларнинг олдиндин яшаб келган арғу, тухси, қанғли ва бошқалар билан ассимиляциялашуви. Ушбу даврда кўчманчи чорвадор қабилаларни ўтроқлашиши жараёнининг тезлашиши. Туркий тилли этнос – ўзбекларнинг шаклланиши (Х – ХИИ аср бошларида) Марвирудийнинг “Тарихи Муборакшоҳ”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу Билиг” , Аҳмад Югнакийнинг “Хибат ул-хақойиқ”, Яссавийнинг “Ҳикматлари” да акс этган.

Хоразмшоҳлар давлати доирасида ХИ – ХИИИ асрнинг бошларидаги этномаданий жараёнлар. Қипчоқлар муаммоси. Қипчоқлар Ўрта Осиё халқлари таркибида. Қарлук шеvasининг адабий тилга айланиши. Ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишда ИХ – ХИИИ асрлардаги араб – форс тарихий ва географик асарлари. А.Табарийнинг “Тарих ал расул ва ал Мулук” асари. Унда Ўрта Осиёдаги вилоятлар ҳамда уларда яшаган эфталийлар, қорлуқлар, туркашлар, уларнинг ҳокони Қурсул, Абу Музаким, турк саркардалари хусусида. Аҳмад ибн Фадлиннинг 921-922 йиллардаги сафар хотираларидан: ўғуз, бижанак қабилалари ҳақида маълумотлар



## **ХИИИ-ХИВ асрларда Мовароуннахр ва унга туташ ҳудудларда этносиёсий жараёнлар**

ХИИИ-ХВ асрлар шаклланиши давом этгани, ўзбек элатининг кейинги тараққиёти. Жалойирлар, барлослар, кавчинлар, арлотларнинг ўлкамиз ҳудудида жойлашуви. Мўғиллар даврида Ўрта Осиёга турк – мўғул қабилалари: олчин дуғлат, муғол, сулдуз, ойрат, маркит, манғит, қўнғиротларнинг келиши давом этгани. К.Шониёзовнинг ушбу даврда Ўрта Осиё ва унга туташ ҳудудларда бошқа йирик кўчишлар, аҳоли миграциялари бўлмагани ҳақидаги фикри.

### **Амир Темур ва Темурийлар даврида этник жараёнлар**

Барлослар асли Онон ва Қурулун дарёси ҳавзаларида яшашиб, Чингизхон даврида нуфузли ҳарбий кучга эга бўлишганлар (Қубалай, Қорачур барлослар). Чигатой улусининг ҳарбий таянчларидан бири сифатида минг оила Кеш вилоятига кўчиб келишади. Улардан Амир Темур этишиб чиқди. Уларнинг айрим гуруҳлари Темур ва Бобурмирзо даврида Жанубий Тожикистон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Кашмиргача бориб ўрнашиб қолишганлар. Барлосларнинг этник таркиби ҳақида В. Бартолд – Мўғул тилли халқлар, Рашидиддин- уларнинг илк аجدодлари турк эди дейди. Хитойшунос олим А.Ю.Зуев барлослар келиб чиқиши жиҳатидан туркий халқ бўлган, деган хулосага келади. Амир Темур ўзини барлос Турклари деб атайти. Мовароуннахрнинг “Сарт” номи остида юритилган туркий забон ўтроқ аҳолиси Темурийлар даврида ҳозирги Ўзбекистон аҳолиси этник таркибининг асосини ташкил этган.

### **Ўзбек адабий тилининг шаклланиши.**

Ўзбек халқига хос миллий менталитет асослари қурилди. Адабий тилнинг олдинги асрларга нисбатан ривожланган тури шаклланди ва тилшуносликга доир адабиётларда “туркий”, “чигатой” ва “ески ўзбек тили” деб ном олган. Шаклланган эски ўзбек адабиёт тили Алишер Навоий даврида энг юқори нуқтага кўтарилди. Бу адабий тилнинг асосини Мовароуннахр ва унинг теварак –атроф минтақаларида кенг тарқалган туркий тил ташкил қилган эди. Аммо туркий халқнинг жонли тили кўп лахжали (асосан 3- лахжа – қарлуқ – чигил, кипчоқ, ўғуз) бўлиб, адабий тилдан бир мунча фарқ қилган. К.Шониёзов ёзишича ўзбек адабий ва жонли тили тожик тили билан яқин алоқада ривожланди. Ўқимишли ўзбек ва тожиклар ҳар икки тилда сўзлашаолар ва эркин ёзардилар. 6-13 асрларда келиб ўрнашган туркий этнослар шунчалик кўп эдики (хунн,аз,уз, тухси, турк, калтатой, арғун, яғмо, дуғлат, қарлуқ, чигил, туркаш, кипчоқ, ўғуз ва бошқалар) бу заминининг Туркистон деб аталишини тушунса бўлади

### **Даштиқипчоқ ўзбекларининг Мовароуннахрга кириб келиши ва ўзбек хонликлари даврида этномаданий жараёнлар**

ХВИ даги этник жараёнлари. ХВИ асрда Дашти Қипчоқдан Мовароуннахрга келган турк-мўғул қабилаларининг сони ва миқдори ҳақида. Ривоятларга кўра ўзбек халқини 92 та қабила – уруғлардан ташкил топгани манбаларда ушбу қабилаларни 32, 36, 92, 96 ва ҳатто 102 тасини келтирилиши. Дашти Қипчоқдаги қабила иттифоқлари: манғитлар, қўнғиротлар, қиётлар, қипчоқлар, қтойлар, қанғли, кенегес, дўрмон, қирқ, минг, юз,

сарой, лоқай, кўшчи ва ҳ.ко. лар. Қипчоқларни XV – XVI асрларда Нўғай қабилалари иттифоқига кирганлиги.

Дашти Қипчоқ қабилаларининг Шайбонийлар, Аштархонийлар, шунингдек жунғорлар босқини даврида Ўрта Осиёга келиб жойлашиши. Қипчоқларни тўртта гуруҳи: қора қипчоқ, сариқ қипчоқ, хитой қипчоқ ва қулон – қипчоқлар. Қипчоқлар қабила – уруғининг номлари – этнонимларининг сақланиб қолгани. Қипчоқлар, кўнғиротлар, курамалар, юзлар жойлашган худудлари, жамиятдаги мавқеи. Ушбу аҳоли гуруҳларининг Б.Х.Кармишева монографиясида тавсифи. Уларнинг ўзбеклар таркибида муҳим компонентни ташкил этиши. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий” асаридаги туркий қабилалар ҳақида маълумотлар. “Баҳр ул-асрор” ва бошқа тарихий манбаларда юртимиз аҳолиси - таркибига оид маълумотлар. Ўзбеклар давлатлари. Шайбонийлар давлати (1500-1601). Аштархонийлар ( 1601-1756) хонликларидаги аҳолининг этник таркиби.

Кўчманчи ўзбек сулолалари этакчилигида учта хонликнинг вужудга келиши (Хоразмда кўнғиротлар, Бухорода манғитлар, Қўқонда минглар). Ўзбек хонликлари даврида этномаданий жараёнлар.

### **Ўзбек халқининг XVI-XIX асрлардаги этник тарихи хусусиятлари.**

XVI асрда Дашти Қипчоқдан Моварауннаҳрга келган турк-мўғул қабилалари сони ва миқдори ҳақида. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Шарафномаи шоҳий» асаридаги туркий қабилалар ҳақида маълумотлар. «Баҳр ул-асрор» ва бошқа тарихий манбаларда юртимиз аҳолиси, этник таркибига оид маълумотлар. Ўзбеклар давлати. Шайбонийлар давлати (1500-1601). Аштархонийлар ( 1601-1757). Манғитлар (1757-1920) давлати. Қўқон (1709-1876) ва Хива (1512-1920) хонликларидаги аҳолининг этник таркиби.

### **XIX асрда Туркистон аҳолисининг этник таркиби**

XIX асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиёни Россия томонидан истило қилиниши. Подшо Россияси мустамлакачилик даврида Ўрта Осиёда иқтисодий ва этномаданий ўзгаришлар. Россиянинг кўчирувчилик сиёсати ва юртимиз аҳолиси таркибидаги ўзгаришлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан Ўрта Осиёдаги сиёсий – иқтисодий маданий жараёнлар. Этник жараёнларда янги этнослар европалик славянларнинг иштироки. 1897 йилдаги Россия империяси томонидан Туркистонда ҳам ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари.

Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиш арафасида этник ҳолат ва миллий худудий чегараланишнинг мақсад ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасини ташкил этиш арафасида туркий – ўзбек тилида сўзлашувчи Ўрта Осиё аҳолиси келиб чиқиши жиҳатидан уч тоифага бўли-нар эди. Биринчи тоифа –Туркистоннинг "сарт" атамаси билан аталувчи ўтроқ аҳолиси; иккинчиси – қадимдан шу заминда ўтроқ ҳаёт кечириб келаётган муқим турклар; учинчиси – Даштиқипчоқ ўзбеклари. Буларнинг иккитаси, яъни "сартлар" ва муқим турклар шаҳар ва қишлоқларнинг муқим аҳолиси эди. Уларнинг шаҳарларда яшовчи қисми хунармандчиликнинг турли тармоқлари ва савдо-сотик билан шуғулланса, қишлоқлардаги қисми суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, полиз экинлари этиштириш билан шуғулланардилар.

### **Республикамизда XX асрнинг иккинчи ярмидаги этнодемографик ҳолат**

XX аср давомида Ўзбекистон аҳолисининг этник таркибидаги ўзгаришлар. И. Сталин даврида корейслар, турк -мхетилар, крим-татарларнинг мажбуран кўчириб келиниши. XX аср давомида Ўзбекистон аҳолиси этник таркибидаги ўзгаришларни 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йиллардаги аҳоли рўйхатлари асосида таҳлил этиш. Республикамиздаги демографик вазият ва унинг муаммолари. Ўзбек миллатининг шаклланиш жараёни ва ўзбек атамасининг умуммиллат этнонимига айланиши

### **Замонавий этник жараёнлар. Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўзбек миллатининг узил-кесил шаклланишида бош омил.**

XIX асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиёни Россия томонидан истило қилиниши. Россиянинг кўчирувчилик сиёсати ва юртимиз аҳолиси таркибидаги ўзгаришлар.

XX аср давомида Ўзбекистон аҳолисининг этник таркибидаги ўзгаришлар. И. Сталин даврида корейслар, турк-мхетилар, крим-татарларнинг мажбуран кўчириб келиниши. Республикамиздаги демографик вазият ва унинг муаммолари. Мустақилликка эришув ва ўзбек миллатининг шаклланишидаги янги босқичнинг бошланиши.

### **Мустақил таълим ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.**

Ушбу фан бўйича талабанинг мустақил таълими шу фанни ўрганиш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, услубий ва ахборот ресурслари билан тўла таъминланган.

Талабалар аудитория машғулотида профессор-ўқитувчиларнинг маърузасини тинглайдилар, мисол ва масалалар ечадилар. Аудиториядан ташқарида талаба дарсларга тайёрланади, адабиётларни конспект қилади, уй вазифа сифатида берилган мисол ва масалаларни ечади. Бундан ташқари айрим мавзуларни кенгрок ўрганиш мақсадида қўшимча адабиётларни ўқиб рефератлар тайёрлайди ҳамда мавзу бўйича тестлар ечади. Мустақил таълим натижалари рейтинг тизими асосида баҳоланади.

Уйга вазифаларни бажариш, қўшимча дарслик ва адабиётлардан янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўллари аниқлаш, Интернет тармоқларидан фойдаланиб, маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўгарак доирасида ёки мустақил равишда илмий манбалардан фойдаланиб, илмий мақола ва маърузалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Шунинг учун ҳам мустақил таълимсиз ўқув фаолияти самарали бўлиши мумкин эмас.

Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулоти олиб боровчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзуни ўзлаштириш даражасини текшириш ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб боровчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсда амалга оширилади. Ушбу фандан мустақил иш мажмуаси фаннинг барча мавзуларини қамраб олган ва қуйидаги мавзулар кўринишида шакллантирилган.

### **Дастурнинг информсион услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- назарий мавзулар замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентасия ва электрон-дидактик технологияларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилади;
- амалий машғулотларда ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, “иш ўйини” ва бошқа педагогик технологиялардан фойдаланилади;
- семинар машғулотларида яқка тартибда мавзу бўйича доклад, кичик гуруҳлар мусобақалари, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.1-жилд. Т., «Ўзбекистон»,1996.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998.
4. Каримов И.А. “Юксак маънавият- енгилмас куч” 2008й. Т.”Ўзбекистон”
5. Каримов И.А.Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор мақсадимиз. Т., “Ўзбекистон”, 2010.
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. Т., “Ўзбекистон” 2010.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., “Ўзбекистон”, 2010.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисда сўзлаган нутқи. //Халқ сўзи - 14 июн 2010. № 117.
9. Каримов И.А. Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлида. БМТ Бош Ассамблеясининг мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи. – Т., 21 сентябр 2010. – № 183 (5089).
10. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик
11. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.
12. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан қураимиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида

бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

13. Мирзиёев Ш.М. Илм фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили. Халқ сўзи, 2016 йил 31 декабрь.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашувидаги нутқидан. Манба: [хтп://уза/уз](http://uza/uz).
15. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – //Халқ сўзи. 15 январь//Тошкент. 31 январь 2017 йил.
16. Шониёзов К.Ш. Ўзбек элатининг шаклланиш жараёни. Т.Шарқ. 2001.
17. Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси. Т., Ўқитувчи 1994.
18. Народы Средней Азии и Казахстана. Под.ред. С.П. Толстова. М., 1962.
19. Жаббаров И. М. Ўзбек халқи этнографияси. Т., «Ўзбекистон» 1994.
20. Жаббаров И. М. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. Т., 2003.
21. Древние обряды и культы народов Средней Азии. Отв. Ред. В.Н.Басилов. М. Наука. 1986.
22. Талал Асад. Тхе Идеа оф ан антхрпологи оф Ислам.Сентер Фор сонтемпорарй араб студиеc.1986
23. Аҳмедов Б.А. Тарихдан сабоқлар. Тошкент. Ўқитувчи. 1994.
24. Аҳмедов.Б.А. Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихи.Тошкент.1985.
25. З.М.Бобур.Бобурнома.Тошкент.1960.
26. Зиёев Х. З. Истиқлол маънавият негизи. «Маънавият» 1999.
27. Исмоилов Х. Ўзбек тўйлари. Т., «Ўзбекистон» 1992.
28. Шониёзов К. Ш. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. Т., 1999.
29. Шониёзов К. Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. Т.. «Фан» 1990.
30. 1.Аҳмедов. Б.А.Ўзбек улуси. Т., Нур 1992.
31. Асқаров А. Ўзбек халқининг эногренизи ва этник тарихи. Ўқув қўлланма, “Университет” нашриёти. Тошкент, 2007.
32. 4. Аширов А. этнология. (Ўқув қўлланма). Тошкент.: 2007.
33. Атаджанов Ш.
34. Жабборов И. М. Жаҳон халқлари этнографияси. Т. Ўқитувчи. 1987.
35. 6.Жабборов И. М. Ўзбек халқи этнографияси. Т.Ўқитувчи.1994.
36. 7.Жабборов И.М. Жаҳон халқлари этнологияси асослари. Т. Ўқитувчи, 2008.
37. 8.Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент, 2001.
38. 9.Садохин А.П. этнология.- М.: 2001.

#### Қўшимча адабиётлар

1. Си Ма Сян. Фарғона таз кираси. Тарихий хотиралар (“24 тарих” даги Ўрта Осиё га оид материаллар тўплами). Урумчи. 1989. 489-490 б.

- 2.Матбатаев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона. Тошкент, 2001, 35-36 бетлар.
- 3.Гумилев Л.Н. Древние тюрки. Москва, 1993.
- 4.Рахмонов Н. Турк ҳоқонлиги. Тошкент, 1993. 42, 43 бетлар
- 5.Хўжаев А. Қадимги хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар. “Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият”. Тошкент, 2003. 178 бет.
- 6.Ходжаёв Т.К. К палеоантропологии древнего Узбекистана. Тошкент, 1980, стр. 43-41.
- 7.Асқаров А. Тархимизнинг уч муаммоси ва уларнинг ечими ҳақида янгича мулоҳазалар. ЎЗИФ журнали, № 5, 2000 йил, 24-28 бетлар.
- 8.Мурзо Улуғбек Тўрт улус тарихи. Тошкент, 1994 225 бет.
- 9.Абулғозий Шажараи турк. Тошкент, 1992, 134 бет.
- Ўзбекистоннинг янги тарихи. Тошкент, 2000.
- 10.Аширов А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар. “Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих”. Тошкент, 2004 йил, 54 бет.
- 11.Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари. “Ўзбекистон тарихи” журнали, № 4, Тошкент, 2002, 55 бет.
- 12.Толстов С.П. Основные проблемы этногенеза народов Средней Азии. С.Е., 1947, № ВИ, ВИИ, с. 304.
- 13.Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Изд-вл. «УзФан», Ташкент, 1941.
- 14.Шониёзов К. “Қанғдавлати ва қанғлилар”. Тошкент, 1990, 5-бет
- 15.Шониёзов К. К этнической истории узбекского народа. Тошкент, 1974 .
- 16.Асқаров А. Қадимги Хоразм тарихига оид баъзи бир масалалар “Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар”. Тошкент, 2004, 76-84-бетлар.
- 17.Асқаров А. Некоторые аспекты изучения этногенеза и этнической истории узбекского народа. Сб. «Материалы этнической истории населения Средней Азии» Тошкент, 1986 йил, 3.
- 18.Асқаров А. Мустақиллик йилларида тарих, археология ва этнология. “ЎЗИФ” журнали. № 6, Тошкент, 1996, 71-бет
- 19.Гумилёв Л.Н. Етногенез и биосфера земли. М., 1993.
- 20.Гумилёв Л.Н. Етносфера: История людей и история природы. М., 1993.
- 21.Асқаров А. Арийская проблема: Новые подходы и взгляды. Сб. «История Узбекистана в археологических и письменные источниках». Ташкент, 2005.
- 22.Исков А. Саразм к вопросу становления раннеземледельческой культуры Зарафшанской долины. Душанбе, 1991. с. 5.
- 23.Геродот История в девяти книгах. Кн. ВИИ, Н. 1972
- 24.Геродот “Тарих” И, ИИ, ИИИ том 117

- 25.Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Тошкент, 1996, 34 бет.
- 26.Арриан. Искандар юришлари. ИИИ, ИВ-китоб.
- 27.Страбон География. XII китоб, XII боб, 3.
- 28.Бан Г.У., Чжан Сян Ли. Гуангли таржимаи холи. Хоннама. Урумчи, 1994.
- 29.Народы Средней Азии и Казахстана. Под.ред. С.П. Толстова. М.1962-1963.

#### Интернет ва зиёнет сайтлари

[www.ziynet.net](http://www.ziynet.net)

[www.xistoriy.ru](http://www.xistoriy.ru)

[www.natura.com](http://www.natura.com)

[www.arxaelogiy.ru](http://www.arxaelogiy.ru)

[www.arxaelogiy.com](http://www.arxaelogiy.com)